

Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириш



ISSN 2181-7138

№ 6/2 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:

Мақсат АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гўлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Аскарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Бахтиёр РАХИМОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Қаҳхор ТУРСУНОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:

**Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хэм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.**

**Мэнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириш» журналынан алынды, деп көрсетилуви шарт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлўматларға автор жууапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ ӘДЕБИЯТ

Umarov I.A. “Малика айёр” дostonи лексикасида туркий қатламнинг қўлланиши	4
Шодиева Ш.И. Оламнинг лисоний манзараси ҳақида қарашлар	9
Haydarova Z. Satira nazariyasi haqida mulohazalar	14
Mamaraximova N. Ijodiy tafakkurda nutqning ahamiyati	16
Ergashev A. Xurshid Do’smuhammadning ramzga asoslangan hikoyalarni o’qitish metodlari	21

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Yalubjanova D.,Maxmudov F. Diagnostikasi va reabilitatsiya qilishda eshitishida nuqsoni bo’lgan bola va ularning ota – onalari bilan bog’liq muammolar	25
Musurmonov R., Musurmonova M. Yangi o’zbekiston sharoitida ta’lim muassasasi rahbarining innovatsion faoliyati xususiyatlari	29
Мусурмонов Р., Султонова Д. Замонавий таълим муассасаси раҳбарининг инновацион фаолияти хусусиятлари	33
Мусурмонов Р., Суяров А. Таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий кифаси, маданияти ва унга қўйилган талаблар хусусида	37
Мусурмонов Р., Хакимова И. Ёшларнинг шарқона имиджи ва муомала одобини шакллантириш хусусида	43
Турсунбаева Ю. Р. Олий таълим сифатини таъминлаш ва самарадорлигини оширишнинг замонавий имкониятлари	47
Расулов А. Н., Хуррамов К.М. Таълим кластери шароитида “Иктисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг ташкилий шароитлари	50
Эватов С. Коммуникатив компетентлик тушунчасининг мазмун-моҳияти ва илмий-педагогик асослари	55
Азамов Ж. Олий таълим муассасалари бошқарувида Осийча субстансиал ва процессуал автономия тамойилларини жорий этиш самарадорлиги	59
Ziyayev A. Seminar mashg’ulotlarini interfaol nashkil etishning afzallik jihatlari	63
Arifxodjayev G., Yuldasheva O. Dizartiya nutq nuqsoni bo’lgan bolalarda idrok shakllanishining o’ziga xosligi	66
To’raqulov L. Oilaviy bolalar uylari tarbiyalanuvchilarining ijtimoiylashuvi	70
Тошболтаев Ф. Булажак ўқитувчиларни методик тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг хусусиятлари	75
Akramova X., Safarov M. Yordamchi maktabda ta’lim jarayonini rivojlantirishni o’ziga xosligi	79
Nazarqosimov Q., Qarshiboyev A. Ko’rishida nuqsoni bo’lgan bolalarda tarbiyaviy ishlarni olib borishda didaktik materiallarni qo’llanilish bo’yicha mashg’ulotlarning ahamiyati	83
Мустафақулова Д. Таълимда тизимли ёндашув	86
Mixliboyev F. Nutqning normal va nuqsonli rivojlanishida nutq va kognitiv funksiyalarning o’zaro bog’liqligi	91

Qaxharova N. N. Bolalarda mantiqiy fikrlashni shakllantirishning tarixiy falsafiy asoslari	94
Abdullayeva G. R. Adekvatlik tushunchasining psixologik tahlili	98

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУҶҲЫЙЛИҚ ТҲЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Rasulova D. O'qituvchi va o'quvchi munosabatlarining axloqiy mezonlari	104
Qilichova M. Yoshlar siyosiy qiyofasi to'g'risidagi qarashlarning zamonaviy jamiyatdagi ahamiyati	106
Абдурасулова Д. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг амалда тадбиқ этилиши (Жиззах шаҳри мисолида)	112
Nazarqosimov Q., Berdiyev X. Maktabgacha yoshdagi bolalar nutqini o'stirishda va korreksiyalashda logopedik yondoshuvlar	115
Raimjonov S. Yakka tartibdagi darslarda o'quvchilarning ijrochilik mahoratini rivojlantirish	117
Xolmirzayev O. O'zbek xalq cholg'usi chang tarixidan	121
Abdukurimova E. O'zbekistonda mumtoz musiqa san'atida bastakorlik ijodining tutgan o'mi va uning tadrijiy rivojlanishi	124

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Tayirova M. Ta'lim jarayonlarida samarali tashkil qilishda ta'lim vositalari va multimedia texnologiyasidan foydalanishning dolzarbligi	130
Назарова Г. Бўлажак иктисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик мазмуни	135

БАСЛАҶЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Akramova X., Abatbayeva A. Maktabgacha yoshdagi aqli zaif bolalar o'yin faoliyatida nutqiy muloqotning faolligini oshirish xususiyatlari	138
Arifxodjayev G., Muminova Z. Boshlang'ich sinflarda disleksiyasi bo'lgan o'quvchilarning o'qish malakalarini korreksiyalash	141
Xudoyqulov J. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijodkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish	145
Абдуллаева Н. Мактабгача таълим ташкилотлари ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини кластери ёндашув асосида ривожлантириш	149
Сафаров Б. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларда педагогик касбий компетентлик ва унга хос сифатлар	153

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

Пармонов А. Жисмоний тарбия ўқитувчиларида акмеологик мотивацияни ривожлантириш модели	157
Абдуллаев О. Ўқувчилар руҳиятидаги салбий ўзгаришлар ва уни жисмоний таълимда бартараф этиш вазифалари	161
Nurmatov F.A. Milliy harakatli o'yinlar va uning rivojlanishi	165
Каримов У.Р. Решение некоторых ошибок и недостатков в физическом воспитании и в спорте вузов и всех образовательных учреждениях	168

қилиниши; битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги билан боғлиқ сифат кўрсаткичларини комплекс ўрганиш асосида такомиллаштирилган. Шунингдек, таълим сифатини баҳолаш таълим муассасаларида олиб борилаётган педагогик фаолиятнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва битирувчиларнинг буюртмачи – жисмоний ёки юридик шахс манфаатлари (эҳтиёжлари)га мослигини назорат қилиш билан боғлиқ ишлар ҳамда олий таълим муассасасида таълим жараёни самарадорлиги мониторингини аниқлашда таълим сифати ички ва ташқи тизимлар орқали ташкил қилиниши келтирилган.

Ҳозирда таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш эпизодик ҳолат касб этиб, кўпроқ таълим муассасасини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш ҳамда унга тайёргарлик жараёни билан боғланган. Ваҳоланки, ҳар бир олий таълим муассасаси ўз фаолиятини доимий таҳлил қилиш, илмий салоҳият ва профессор-ўқитувчилар малакасини мунтазам ошириш, фаолиятдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни тезкорлик билан бартараф қилишдан манфаатдор бўлиши лозим.

Санаб ўтилган омилларнинг барчаси битирувчиларнинг рақобатбардошлиги, олий таълим муассасаси нуфузининг ошиши, энг муҳими, мамлакатимиз олий таълим тизимининг халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “таълим тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг интироқини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. ЎР ҚХТ, 2017 й., 30-сон, 729-модда.
3. Майоров А.Н. Мониторинг в образовании. – М.: Интеллект-Центр, 2005 – 424 с.
4. Бекмуродов А.И. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга жорий этишда давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг дидактик асослари. Пед. фан. номзоди дис. – Тошкент, 2002. – 126 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий таълим муассасаларида таълим сифати мониторингини такомиллаштириш, таълим сифатини оширишга қаратилган чора тадбирлар юзасидан фикрлар юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются меры, направленные на совершенствование мониторинга качества образования в высших учебных заведениях и повышение качества образования.

SUMMARY

The article discusses measures aimed at improving the monitoring of the quality of education in higher education institutions and improving the quality of education.

ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА “ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАРОИТЛАРИ

Расулов А. Н.

*Чирчик давлат педагогика институти
“Мақтаб менежменти” кафедраси катта ўқитувчиси*

Хуррамов К. М.

*Чирчик давлат педагогика институти
“Мақтаб менежменти” кафедраси катта ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: иқтисодий билим асослари, педагогик таълим, ижтимоий-иқтисодий, глобаллашув, коммуникация, таълим-тарбия, инновация, кластер, методика, ўқув дастурлари, тавсия, интеграция, синфлар.

Ключевые слова: основы экономических знаний, педагогическое образование, социально-экономические, глобализация, коммуникация, образование, инновации, метод кластера, методика, образовательные программы, рекомендации, интеграция, занятия.

Key words: basics of economic knowledge, pedagogical education, socio-economic, globalization, communication, education, innovation, cluster, methodology, educational programs, recommendation, integration, classes.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида фикр юритар экан, улуг маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир” деган фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятига апрофлича тўхталди.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар аввало таълим тизимидан, богча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир.

Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлиги, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва кадриятларга суяниш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий гоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни болалиқдан миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ҳозирги замон глобаллашув жараёнларида таълимга нисбатан инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қўйидагилар билан ўлчанади:

Фан-техника тараққиёти ҳамда ижтимоий-иқтисодий янгиланиш узлуксиз таълим тизимини хусусан, умумтаълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибалар асосида ташкил этиш, ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштиришни талаб этади.

Соҳаларга инновацияларни кенг жорий қилиш мавжуд иш услубларига нисбатан янгича ёндашувларни талаб қиладди. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларида эса, умумий жиҳатлар ва табиий қонуниятлар мавжуд бўлиб, бу борада кўпгина ҳолларда ўзига хос янги йўللарни излаб топишдан кўра, баъзан илғор ривожланган мамлакатлардаги тайёр андозаларни олиш, мослаштириш, улардан ижодий фойдаланиш яхшироқ натижа беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида халқаро тажрибада синалган ва мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этувчи инновацион тажрибаларни кенг қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шундай инновацион технологиялардан бири “кластер модели” ҳисобланади. Бугунги кунга қадар у мамлакатимизда кўпроқ аграр, тўқмачилик ва енгил саноат соҳаларида кенг қўлланилиб келинмоқда эди. Кластер модели қисқа муддатлар ичида иқтисодиётда

истикболли инновацион йўналиш сифатида эътироф этилди ҳамда ушбу моделни бошқа соҳаларда қўллаш тажрибалари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳамда рақобат, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур.

Бугунги кунда жамиятнинг барқарор ривожланишида таълимнинг юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, замонавий талаблар, тизимдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги тарқоқлик узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруриятини таказо этмоқда.

Кластер ёндашуви алоҳида соҳа бўлиб, рақобатбардош, самарадорликка эришишдан ҳар томонлама манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизми бўлиб, ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳуқуқли бўлаклардан иборат бўлган тузилма сифатида қаралади.

Илмий манбаларда “кластер” тушунчаси борасида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, “педагогик таълим кластери” тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. “Педагогик таълим кластери” – маълум бир географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги, тенг ҳуқуқли алоҳида субъектларнинг, технология ҳамда инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизмидир.

Мамлакатимизда педагогик таълим кластерининг субъектлари сифатида таълим муассасаларининг таълимий, илмий, услубий фаолиятининг сифатини оширишга хизмат қиладиган барча давлат ва нодавлат ташкилотларини педагогик таълим кластерининг компонентлари деб тушуниш мумкин.

Кластер модели ҳар бири алоҳида фаолият олиб бораётган субъектларни умумий мақсад атрафида бирлаштиради ҳамда айни пайтда, ҳар бир субъект умумий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, хусусий манфаатдорликда иш юритади. Унинг субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини ҳосил қилади, ўзаро ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини етарли даражада кенгайтиради. Шунингдек, педагогик таълим кластери субъектлари қуйидаги стратегияларга асосланади:

ҳудуд нуктаи-назаридан жойлашган географик стратегияга;
таълим ва тарбия технологияларидаги яқинлик нуктаи-назаридан технологик стратегияга;

умумий мақсад атрафида бирлашиш нуктаи назаридан фокуси стратегияга;
ишлаб чиқариш ва илм-фан билан муносабатига қўра лотераль стратегияга;
ҳамкорликни қандай ташкил қилиш ва ривожлантириш нуктаи назаридан сифат стратегияларга асосланади.

Субъектларни бир вақтнинг ўзида бир нечта стратегик фаолият олиб бориши ва унинг фокусини кластернинг умумий ҳамда хусусий мақсадларига тўғрилаш мураккаб жараён ҳисобланади. Аммо бу мураккабликни илмий ва амалий нуктаи-назардан ҳал қилиш кластерлаштириш жараёнининг асосий ташкилий шarti ҳисобланади. Бир нечта субъектларни кластер доирасида ўзаро интеграциялаш мураккаб, қўп тармоқли илмий-амалий жараён бўлиб, ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрафида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китобларни ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қилади. Шундагина кластер

субъектларининг ишончини қозонади. Кластерни маъмурий ва бюрократик йўллар билан амалга ошириб бўлмайди. У субъектларнинг ихтиёрий хайрихоҳлиги асосида ташкиллаштирилиши ҳамда самарали фаолият олиб бориши мумкин. Шу нуктаи-назардан олиб қаралганда, ўзбек педагогикасида таълим кластери инновация бўлиб, ўзида нафақат таълим турлари ўртасидаги, балки фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини, шунингдек, таълимни бошқариш, таълим воситалари ва шакллари билан боғлиқ соҳаларни ҳам қамраб олади.

Педагогик олимлар ватадқиқотчилар томонидан таълимни кластерлаштиришнинг илмий-назарий асослари, унинг амалий жиҳатлари, кластерли ёндашув асосида ўқув фанларининг мазмунини такомиллаштириш ва услубий-дидактик таъминотини яратиш, улар асосида билим олувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш, касбий ва шахсий сифатларини ривожлантириш методикаси тадқиқ қилинмоқда.

Илмий адабиётлар ва манбаларда кластер таркибига кирувчи субъектлар ўзлари ишлаб чиқарувчи махсулотларнинг, ахборот ва билимларнинг хусусиятларига кўра, ўзаро ҳамкорликнинг тузилиши, алоқаларнинг шакли, иштирокчилар фаолиятининг хусусияти, пайдо бўлиш табиати, асосий ресурснинг хили, кафилланганлик даражаси ва географик таркибий қисмнинг мавжудлиги бўйича таснифланади. Бундай тасниф кластер учун умумий характерга эга бўлиб, тармоқ кластерлари бўйича кўриб чиқилганда, уларнинг баъзилари қузатилмаслиги ҳам мумкин. Шу нуктаи назардан ёндашганда, педагогик таълим кластерини умумий ҳолатда қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир: “Педагогик таълим кластери”нинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаш, фаолият уфқларини олдиндан кўра билиш учун унинг қандай тамойилларга асосланиши ҳақида аниқ ҳулосаларга келиб олиш лозим бўлади.

Мамлакатимизда педагогик таълим кластери тамойилларини мавжуд шарт-шароитлар ва таълим сиёсати тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагича таклиф қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- узвийлик ва узлуксизлик: кластер субъектларининг ўзаро боғлиқликда занжир ҳосил қилиши, занжирни ҳосил қилувчи ҳар бир бўгин ўзининг аниқ вазифаларига эга эканлиги, узлуксизлик занжирида бушлиқларга йўл қўйилмаслигидир.
- табиий алоқадорлик: кластер субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, алоқадорлик масаласининг табиийлиги, яъни боғлиқлик масаласининг соҳа, вазифа ёки ҳудудий жиҳатдан объективлиги.
- замонавийлик: соҳага оид замонавий илм-фан ютуқларини тизимга жорий қилиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланишдир.
- изчиллик: кластер субъектларининг вертикал ягона чиқиқда жойлашуви, бунда оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб босқичма-босқич ҳаракатланиш тенденциясига амал қилинишидир.
- ворисийлик: кластернинг авлодлар алмашинувидаги роли, тьоторлик фаолияти, педагогик таълимни кластерлаштириш натижасида субъектларнинг малакали педагог ходимларга бўлган эҳтиёжининг мунтазам қондирилишига эришишдир.

- манфаатларнинг хусусийлиги: педагогик таълим кластери моделида унинг ҳар бир субъектининг ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлишидир.
- йўналтирилганлик: кластер доирасида амалга оширилаётган ҳар бир фаолият турининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, қутилаётган натижаларни олдиндан чамалаш ва баҳолаш имкониятининг мавжудлигидир.
- ўзаро назорат: кластер модели доирасида бирлашган таълим субъектларининг ўзаро ягона тизимни ҳосил қилиши ҳамда бу тизимнинг беҳато ишлашидан ҳар бир субъектнинг манфаатдор эканлиги, маълум субъектда йўл қўйилган ҳато ёки камчилик бошқа субъектларнинг фаолият самарадорлигига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши, субъектлар фаолиятини ўзаро баҳолаш тизимининг йўлга қўйилишидир.
- мақсаднинг умумийлиги: кластер субъектларининг хусусий мақсадларидан ташқари глобал аспектдаги ягона мақсад атрофида бирлашувидир.

Содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштирган, бу ахборотларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган мутахассис кадрларга эҳтиёж мавжуд.

Инновацион технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ижодий фаолиятга янгилик, ўзгартишлар киритишнинг педагогик жараёни бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуллардан фойдаланилади, чунки таълим жараёнида бошқарув ролини ўқитувчи бажаради. Интерфаол таълим технологияларини амалга ошириш индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоа билан ишлаш шаклларда амалга оширилади. Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим технологиялари ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ҳамкорликда ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, ҳурмат қилиш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари сурш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга эришиш мумкин.

Интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аниқ мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш мумкин. Шу билан бирга, ўқувчиларни маълум бир билимлар соҳасини пухта эгаллашга йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали уларнинг билим ва кўникмаларини адолатли баҳолаш имконини беради. Шу боис интерфаол таълим технологияларидан ўқитиш жараёнида қўллаш натижасида:

- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- ҳар бир ўқувчининг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўқувчиларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади;
- ўқувчиларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;

- ўқувчиларга қўп томонлама таъсир кўрсатади;
- ўқувчиларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;
- ўқувчиларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим сифатини такомиллаштиришда кластерли ёндашув давлат таълим мазмунини янгидан ташкил қилиб, таълим кластери субъектлари ўртасидаги муносабатларни таълим сифати ғоялари орқали ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қарап имконини берди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқсўзи, 2020 йил 29 декабр.
2. Usarov J.E. O'quvchilarning malakasini shakllantirish Ta'lim samaradorligini oshirish omili sifatida // Nazariy va amaliy fan. - 2017. - T. 53. - №. 9. - S. 79-82.
3. Usarov J. Using Teaching Methods for Development Student Competencies //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2019. – T. 15. – №. 1. – С. 272-274.
4. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т., Иқтисодиёт назарияси, Т., 2002; № 9. С.156-158

РЕЗЮМЕ

Жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, таълим самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мақолада Иқтисодий билим асослари бўйича ташкилий шароитлари ташкилий шароитлари юзасидан методик тавсиялар ҳақида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Будущее общества определяется уровнем развития системы образования, которая является его неотъемлемой частью и жизненной необходимостью. Большое значение имеют реформирование и совершенствование системы непрерывного образования нашей страны, которая находится на пути самостоятельного развития. В данной статье описаны методические рекомендации по организационным основам обучения предмета «Основы экономических знаний».

SUMMARY

The future of society is determined by the level of development of the education system, which is an integral part of it and a vital necessity. Reforming and improving the continuous education system of our country, which is on the path of independent development, raising it to a new level of quality, and increasing the efficiency of education are of great importance. The article describes methodical recommendations regarding the organizational conditions of the foundations of economic knowledge.

КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Эватов С.

Фаргона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: ўсмирлар, коммуникатив компетентлик, мулоқот маданияти, «ёмон хулқлилар».

Ключевые слова: подростки, коммуникативная компетентность, культура общения, «плохие манеры».

Key words: adolescents, communicative competence, culture of communication, «bad manners».

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш тизимида коммуникатив билим ва кўникмаларни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш ва бу борадаги таълимий ислохотларни жадаллаштиришга доир қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизнинг барча

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагоғикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 6/2**

Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рұхсат етилди 9.12.2022. Форматы 60x84^{1/16}
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т. Нашр. т. Нұсқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Х. Бойкаро, 51